

Фиқх дарслари (165-дарс) Намознинг тартиблари



17:00 / 23.12.2021 4918

Намознинг маълум ва машҳур тартибига риоя қилиш – бу улкан ибодатнинг вожиб амалларидан биридир. Қиём, қироат, рукуъ ва саждаларнинг тартиби вожиб, такбири таҳрима билан қаъдаи охирнинг тартиби фарздир.

Тартибнинг вожиблигига далил:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо намозни тартиб билан ўқиганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни нотўғри ўқиган одамга тартибга риоя этган ҳолда, намознинг амалларини жой-жойига қўйиб ўқишни таълим берганлар.

Қаъдаи аввал

«Қаъдаи аввал» икки ракатлидан кўп намозларда икки ракатни ўқиб, кейин ўтириб, ташаҳхудни ўқишдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам доимий равишда бу қаъдага ўтирганлари учун у вожибга айланган. Агар биров қаъдаи улаани эсидан чиқариб туриб кетса, тарки вожиб қилгани учун саҳв саждаси қилади.

Ташаҳхуд

Ташаҳхуднинг вожиблигига далил:

لُؤْسَرَفَلْخِةَالصَّلَاةِ يَفْلُوقَنَّ أَنْكَرَ لِقَاقُ هُنَّعُ هَلَلَا يَضَرُّ هَلَلَا دَبَعٌ نَعْنُ
بِنَالْفِ يَلَعُ مَالَسَلَا هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا: لَسُو هِيَلَعُ هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا
وَهَلَلَا نِ»؛ مَوِيَّاتَاذ لَسُو هِيَلَعُ هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا لُؤْسَرَفَلْخِةَالصَّلَاةِ
هَلَلَا تَأَيَّحْتَلَا؛ لُقَيْلَفِ هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا يَفْلُوقَنَّ أَنْكَرَ لِقَاقُ هُنَّعُ هَلَلَا
هُتَاكَرَبَوَهَلَلَا هَمَّخَرَوِيَّ بِنَالَا هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا تَأَبِّيَّ طَلَاوُتَاوَلَّصَلَاو
دَبَعٌ لُكُتَبَاصَا هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا دَبَعٌ يَلَعُ مَالَسَلَا
أَدْمَحُمَّ نَأَدَشَاو هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا نَأَدَشَاو هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا
هُتَاكَرَبَوَهَلَلَا هَمَّخَرَوِيَّ بِنَالَا هَلَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا يَلَعُ مَالَسَلَا

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида намозда туриб, «Ас-салому алаллоҳи, ас-салому алалфулони (Аллоҳга салом, фалончи ва фалончига салом)», дер эдик. Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга:

«Албатта, Аллоҳнинг Ўзи Саломдир. Бас, қачон бирингиз намозда ўтирса:

«Ат-тахиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаату, ассалааму алайка аййухан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳу, ассалааму алайна ва алаа ибаадиллааҳис-солиҳийн – шуни айтса, осмону ердаги Аллоҳнинг барча бандаларига етади – Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росулуҳ», десин. Сўнгра нимани хоҳласа, шуни сўрашни ихтиёр қилсин», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Жумҳур уламолари томонидан, жумладан, ҳанафий мазҳабида ҳам ташаҳхудда ушбу сийғани ўқиш қабул қилинган.

هَلْ لَعْلَعُ لِي لِمِصْرٍ هَلْ لِي لُؤْسٌ رَانَكَ: تَلَقَّ أَحْمَدُ عُمَرَ لَمَّا صَرَ عَشْرًا عَن
بَنِي مَلِغَلَةَ بَرَّهَلْ دُمَّخَلَابِ عَاقِلِ أَوْ رِيْبُ كَلَابِ عَالِصَلَابِ حَتَّ فَيَلْسُو
إِذَا نَاكَ وَكَذَلِكَ وَهُوَ وَصِيٌّ مَلَّوْهُ سَأْرُ صُخْشِيٍّ مَلَّ عَكَرَ إِذَا نَاكَ وَ
هُوَ سَأْرُ عَكَرَ إِذَا نَاكَ وَ، أَمَّا قِيَّوْتَسِيٍّ يَّتَّحُ دُجْسِيٍّ مَلَّ عَوُكَّرَلَا نَمَّ هَسْأَرَعَفَر
لِكَ يَفْلُوقِي نَاكَ وَ، أَدْعَاقِيَّوْتَسِيٍّ يَّتَّحُ دُجْسِيٍّ مَلَّ دُوخْسَلَا نَمَّ
بُصْنِيٍّ وَ يَزْسُيْلَا هَلْ جُرْ شَرْفِيٍّ سَلَجَ إِذَا نَاكَ وَ. «تَأْيَحْتَلَا»: نِيَّتْ عَكَرَ
نَاكَ وَ، غُبَّسَلَا شَرْفَنَعَوُ، إِنَّا طِيَّسَلَا بَقَعَنَعَوُ يَنْعَوُ نَاكَ وَ، يَنْمُيْلَا هَلْ جُرْ
مَلْسُومَ وَ دُوَادُ وَ بَأْ هَاوَرِ، مَلْسُومَ سَلَابِ عَالِصَلَابِ مَتَّحِيٍّ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни такбир ва қироатни «Алҳамду лиллааҳи Роббил оламийн» билан очар эдилар. Рукуъ қилсалар, бошларини кўтариб ҳам, пастга тушириб ҳам юбормас, лекин ўртача тутар эдилар. Бошларини рукуъдан кўтарсалар, ғоз туриб олмагунларича сажда қилмас эдилар. Саждадан бошларини кўтарсалар, яхшилаб ўтириб олмагунларича яна сажда қилмас эдилар. Ҳар икки рақъатда «Ат-таҳиййаату»ни ўқир эдилар. Ўтирганларида чап оёқларига ўтирар ва ўнг оёқларини тик тутар эдилар. Шайтоннинг ақибидан ва йиртқичнинг ястанишидан наҳйи қилар эдилар. Намозни салом бериш билан тамомлар эдилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифдаги «Ҳар икки рақъатда «Ат-таҳиййаату»ни ўқир эдилар» жумласи ҳозирги баҳсимиз учун керак.

Яъни, ўтириб, ташаҳҳуд ўқир эдилар. Агар намоз икки рақъатли бўлса, шу билан тамом бўлар эди. Уч рақъатли ёки тўрт рақъатли бўлса, бу биринчи ўтириш ҳисобланиб, учинчи ёки тўртинчи рақъатдан кейин яна охириги ўтиришга ўтириб, яна ташаҳҳуд ўқилади ва салом берилади.

Ташаҳҳудни араб тилида ўқиш шарт. Имкони бўлган киши ташаҳҳудни бошқа тилда ўқиши жоиз эмас. Билмаган одам ўрганиб олгунича ўз тилида ўқиса бўлади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди